

0-100-
**АЛИШЕР НАВОЙЙ НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

**КУТУБХОНА АРНИНГ
ЎЛКАШУНОСЛИК ИШИ**


ТОШКЕНТ-2003

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

**КУТУБХОНАЛАРНИНГ
ЎЛКАШУНОСЛИК ИШИ**

Методик қўлланма

ТОШКЕНТ-2003



ББК 78.342

К96

Илмий методик бўлим томонидан тайёрланди

Тузувчи: *Ҳ.Маматраимова*

Муҳаррир: *Т.Егорова*

Компьютерда терувчи: *З.Жалилова*

К96 Кутубхоналарнинг ўлкашунослик иши:
Методик қўланма /Тузувчи: Ҳ.Маматраимова.
-Т., 2003.- 41 б.

Сарлавҳада: Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси.

Ушбу методик қўланмада кутубхоналарда
ўлкашунослик фаолиятини ташкил этиш ва олиб
бориш учун асос бўлиб хизмат қилувчи «Кутуб-
хоналарнинг ўлкашунослик иши тўғрисида Низом»
ҳамда «Ўлкашунослик картотекасини тузиш учун
классификация жадвали» берилган.

ББК 78.342+26.89 (5У)

№569-2003

©

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси

Кейинги ўн йилликда кутубхоналар фаолиятида жонланиб, кўзга кўрина бошлаган ўлкашунослик йўналиши барча типдаги кутубхоналарда турли ҳажмда, шакллар, усуллар, йўллар билан турли даражада олиб борилмоқда. Бундай вазиятнинг юзага келиш сабаби - кутубхоналар ўлкашунослик фаолиятини юритиб бориш учун бирон-бир раҳбарий йўриқнома ҳужжатга, бирор методик марказ томонидан ёрдам олиш имкониятига, иш шакл ва усулларини белгилаб берувчи дастурил-амал ҳужжатга эга эмаслар. Кутубхоналар фаолиятидаги ана шу камчиликни маълум маънода бартараф этиш, ўлкашунослик ишини юритиб боровчи кутубхоналар фаолиятини тартибга келтириш, бу йўналишнинг оқилона ва самарали шакл ва усуллари, кутубхоналарнинг бу йўналишдаги асосий вазифалари ва имкониятларини ёритиб бериш мақсадида ушбу методик қўлланмада «Кутубхоналарнинг ўлкашунослик иши тўғрисида Низом» ҳамда «Ўлкашунослик картотекасини тузиш учун классификация жадвали» намуна сифатида берилмоқда.

Ҳар икки ҳужжатдан ҳар бир кутубхона бу йўналишдаги ишини ташкил этишда зарур доирада фойдаланади, деган умиддамиз.

«...Низом» ва «...жадвал» бўйича таклиф ва мулоҳазаларни кутубхоналар ходимлари Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг Илмий-методик бўлимига юборишларини сўраймиз.

Кутубхоналарнинг ўлкашунослик иши тўғрисида

Н И З О М

1. Умумий қоидалар

1.1. «Низом» нинг мақсади - вилоятлар универсал илмий кутубхоналари, Қорақалпоғистон Республикасининг республика кутубхонаси, давлат оммавий кутубхоналари ва ўлкашунослик фаолиятини юритувчи барча кутубхоналарнинг ўлкашунослик фаолиятини тартибга келтириш, бу фаолиятнинг кутубхоналарда мавжуд бўлган оқилона ва самарали шакл ва усуллари ҳақида мамлакатдаги кутубхоналар ишининг ўзгариб бораётган умумий шартлар ва вазифалари билан боғлиқ бўлган ривожланишининг янги имкониятларини ёритишдир.

Ушбу «Низом» намунавий бўлиб, кутубхоналарда ўз ўлкаси* анъаналари, имкониятлари ва бу фаолиятнинг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда шу каби ҳужжатни ишлаш ва амалда фойдаланиш мумкин.

1.2. Кутубхоналарнинг ўлкашунослик фаолияти (кутубхона ўлкашунослиги) - аввало матбуот асарларида, шунингдек кутубхонада сақланадиган бошқа материаллар (аудиовизуал материаллар, ахборотни машинада ўқиладиган шакллари, нашр қилинмаган ҳужжатлар)да акс

* «ўлка» тушунчаси мамлакатнинг ҳозирги маъмурий-ҳудудий бўлинишига мос келадиган аниқ бир қисми (бу вилоят ёки ўлка, туман) га қўлланилади.

этирилган аниқ бир жой (ўлка) ҳақидаги билимларни аниқлаш, тўплаш ва тарқатишга қаратилган ихтисосли (давлат) ўлкашунослик фаолиятининг бир қисмидир.

Кутубхоналарнинг ўлкашунослик фаолияти кутубхона фаолиятига тўла хос бўлган шаклларда амалга оширилади.

1.3. Кутубхоналар ўлкашунослик фаолиятининг мақсади:

- ўлкани ижтимоий, иқтисодий, маданий ривожлантиришга,

- ўлканинг табиий бойликлари ва маданий меросни асраш ва ундан оқилона фойдаланишга,

- ўлкани ҳар томонлама илмий тадқиқ қилишга,

- ишлаб чиқариш ва ижтимоий фаолиятнинг турли туман соҳаларида қимматли маҳаллий тажрибани аниқлаш ва тарқатишга,

- ўлка аҳолисини ватанпарварлик ва байналминал руҳда тарбиялашга

ё р д а м б е р и ш д а н и б о р а т.

Бунда асосий эътибор ўлкашуносликнинг умумий гуманитар, ижтимоий ва экологик томонларига қаратилади.

1.4. Кутубхоналар ўлкашунослик фаолияти ўлкадаги жамоатчилик ўлкашунослик ҳаракатига фаол мунтазам ёрдам беришни кўзда тутади. Бу жамоатчи ўлкашунослик ташкилотлар ишини кутубхонада сақланаётган босма ва бошқа ўлкашунослик ахборот манбалари, турли тартибдаги библиографик ахборот билан таъминлашда; ҳамкорликда ўлкашунослик тадбирларини ташкил қилишда; ўлкашунослик материаллари билан ишлашда ёки уларни

қидиришда методик ёрдам беришда;
ўлкашунослик жамоат ташкилотларида
ўлкашунослик адабиётларини йиғиш ва
коллекциясини ташкил этишда акс этади*.

1.5. Кутубхоналар ўлкашунослик фао-
лиятида икки асосий йўналиш:

– кутубхоналар фондида сақланаётган
ўлка билан мазмунан боғлиқ бўлган босма
матбуот асарлари ва бошқа материаллар (ўлка-
шунослик ҳужжатлари**) билан ишлаш;

– яратилиши бўйича ўлка билан боғлиқ
бўлган матбуот асарлари (маҳаллий нашрлар***)
билан ишлаш

й ў н а л и ш л а р и а ж р а т и л а д и.

Биринчи йўналиш ўлка билан боғлиқ
бўлган алоҳида шахсларнинг фаолиятига бағиш-

* Ушбу «...Низом» доирасида ҳар бир кутубхона ўз
имконияти ва китобхонлари эҳтиёжларини ҳисобга олган
ҳолда ўлкашунослик фаолиятини ташкил этади ва
юритади.

** «ўлкашунослик ҳужжатлари» тушунчаси нашр хили ва
тури (тайёрланиши)дан, нусхаси,тили, нашр ёки
тайёрланиш жойидан қатъий назар ушбу ўлкага мазмунан
тўлиқ ёки қисман бағишланган, у ҳақидаги маълумотларни
акс эттирган ҳамма нашрлар, нашр қилинмаган (қўлёз-
малар, машинкада босилган, график), аудиовизуал
материаллар, машинкада ўқиладиган ахборот ташувчилар
(магнит тасмалари, компакт-дисклар ва Ҳ.К.лар)ни
бирлаштиради.

*** «маҳаллий нашрлар» тушунчаси мазмуни мақсади ва
нашр воситаси, тилидан қатъий назар шу ўлкада босилган
ҳамма нашрлар, шу жумладан кам нусхали, идоралар ичи,
тор ихтисосликдаги, ёппасига ишлов берилган материал-
ларни бирлаштиради.

Ўлкадан ташқарида тайёрланиб, шу ўлкада босиб
чиқарилган нашрлар маҳаллий нашрларга киритилмайди.

ланган манбалар билан ишлашни ҳам ўз ичига олади.

Ўлкашунослик ҳужжатлари билан ишлаш ўлкашунослик билимларини ҳозирги илмий, амалий, ижтимоий фаолиятда фойдаланиш ҳамда келгуси тарихий тадқиқотларни ўрганиш учун ҳужжатли асосларни яратишга негиз яратади.

Ўз ўлкаси маҳаллий нашрларини аниқлаш, сақлаш ва библиографик акс эттириш бўйича иш ўлка маданий даражасининг ҳолати ва тарихий ўзгариши, ижтимоий-сиёсий ҳаётини, ўлка аҳолисининг мамлакат фанига, ишлаб чиқариши, маданиятига қўшган ҳиссасини тавсифловчи маҳаллий матбуот репертуарини яратишга хизмат қилади.

Бир вақтнинг ўзида бу фаолият ватан босма маҳсулотининг давлат ҳисобини олиб бориш, ватан нашрларининг умумдавлат матбуоти коллекциясини ташкил этиш ва сақлаш ҳамда уларнинг тўлиқ библиографик репертуарини яратиш бўйича ишларнинг бир қисми ҳисобланди.

1.6. Ўлкашунослик фаолиятидаги мақсадларга эришишда универсал илмий кутубхона (УИК)* лар қуйидаги ишларни олиб борадилар:

• ўлкашунослик ҳужжатлари ва ўз ўлкасининг маҳаллий нашрларини кенг манбалар доирасидан аниқлайди,

* Универсал илмий кутубхоналарга вилоят универсал илмий кутубхоналари, Қорақалпоғистон Республикасининг республика кутубхонаси киради. УИК учун кўрсатилган моддаларда айнан шу типдаги кутубхоналар учун ҳос бўлган ва улар юрита оладиган иш йўналишлари келтирилган.

- ўз фондида ўлкашунослик ҳужжатлари ва маҳаллий нашрларни тўлиқ тўплайди, бу билан вилоят идоралараро депозитарийси вазифасини бажаради ва у нашрларнинг ишончли ва доимий сақланишини таъминлайди,

- ўзининг справка-библиографик аппаратада ўлкашунослик ҳужжатлари ва маҳаллий нашрлар (сақланиш жойидан қатъий назар) тўғрисидаги маълумотларни юқори тўлиқликда акс эттиради,

- ўлкашунослик ҳужжатларининг электрон маълумотлар базасини яратади,

- ўлкашунослик библиографик қўлланмалари ва маҳаллий нашрлар кўрсаткичлари тизимини яратади,

- ўз китобхонлари ва бошқа кутубхоналар китобхонларига ўлкашунослик ҳужжатлари ва маҳаллий нашрлар билан КАА тизими бўйича хизмат кўрсатади,

- бир марталик ва узоқ муддатли ўлкашунослик библиографик ва фактографик сўроқларга мувофиқ ўлкашунослик ҳужжатлари ва маҳаллий нашрлар тўғрисидаги ахборот билан таъминлайди,

- кутубхона китобхонларига ўлкашунослик ҳужжатлари ва маҳаллий нашрларни аниқлашда, кутубхонанинг ўлкашунослик справка-библиографик аппаратидан фойдаланишда методик ёрдам кўрсатади,

- ўлка аҳолиси ўртасида ўлкашунослик ҳужжатлари ва маҳаллий нашрларни кутубхона оммавий ва библиографик ишлари воситасида кўргазмалар, ўлкашунослик оммавий тадбирларини ташкил этиш, маҳаллий босма матбуот, радио, телевидение орқали кенг тарғиб қилади,

- вилоятда ўлкашунослик фаолиятининг маркази сифатида вилоятдаги барча кутубхоналарга ўлкашунослик ишида методик ёрдам кўрсатади,

- кутубхона ўлкашунослигининг ҳамма йўналишлари бўйича вилоят кутубхоналари, бошқа давлат ва жамоат ташкилотларининг идоралараро ҳамкорлигини ташкил этади ва мувофиқлаштиради,

- ўлкашунослик ахборотига эътиёжларни ўрганишга, ўлкашунослик ҳужжатлари ва маҳаллий нашрлар фонди ҳамда коллекциясини тўлиқ тўplash ва тўлдиришга, ўлкашунослик справка-библиографик апаратини, ўлкашунослик кутубхона ва библиографик хизматнинг шакл ва усулларини ҳамда ўлкашунослик материаллари тарғиботини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишларини олиб боради.

1.7. Мамлакатдаги кутубхоналарнинг ўлкашунослик фаолияти мақсадлар муштараклиги, ташкилий ва методик тамойиллар асосида амалга оширилади ва бу фаолиятнинг самарали ҳамкорлиги таъминланади. Шу билан бирга ўлкашунослик фаолиятини ташкил этишнинг аниқ шакллари ва хусусий методикаси (ўлкашунослик библиографик қўлланмаларини тайёрлаш, ўлкашунослик справка-библиографик апаратини юритиш, библиографик хизмат кўрсатиш ва ҳ.к.) ни танлаш, китобхоналарга хизмат кўрсатиш шакли ва методлари, ўлкашунослик билимларини тарқатиш - маҳаллий шароит ва анъаналарни ҳисобга олган ҳолда УИК томонидан мустақил белгиланади.

УИК ўз вилоятида кутубхона ўлкашунослигининг маркази: ўлкашунослик ҳужжатлари ва

маҳаллий нашрларнинг асосий сақловчи маскани, ўлкашунослик библиографик ахборот соҳасида бош муассаса, ўлкашунослик йўналишида кутубхоналар, бошқа ташкилот ва муассасалар ҳамкорлигининг ташкилотчиси; кутубхона ўлкашунослигининг методик марка-зидир.

1.8. УИК ўлкашунослик фаолиятини:

- вилоятдаги кутубхоналар ва илмий техника ахбороти органлари,

- ўлкашунослик ишини олиб боровчи давлат ташкилотлари ва муассасалари (музейлар, архивлар, илмий-тадқиқот муассасалари ва бошқалар),

- жамоатчи ўлкашунослик ташкилотлари: маданият фонди, маданий ва тарихий ёдгорликларни сақлаш, табиатни қўриқлаш фонди ва жамиятларининг маҳаллий бўлимлари; маҳаллий ўлкашунослар жамиятлари; жамоат музейлари, клублари, тўғарақлар

билан ҳамкорликда олиб боради.

1.9. Китобхоналарга ўлкашунослик кутубхона-библиография хизмати «Вилоят УИК нинг намунавий Устави»га мувофиқ бепул кўрсатилади. УИК ходимлари ўз иш вақтларидан ташқари кўрсатган ёки УИКнинг асосий вазифасига кирмайдиган қўшимча ўлкашунослик хизматлари маълум ҳақ тўлаш асосида олиб борилиши мумкин.

1.10. Кутубхоналарнинг ўлкашунослик фаолияти кутубхонага маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ажратиладиган давлат бюджети ҳисобидан маблағ билан таъминланади. Ўлкашунослик фаолиятини маблағ билан таъминлашнинг қўшимча манбалари:

- давлат муассасалари, жамоат ташкилотлари, алоҳида шахслар томонидан кутубхона ўлкашунослигини ривожлантиришга беминнат ўтказилган маблағлар,

- УИК ходимлари томонидан ўлкашунослик характеридаги пуллик хизматларни кўрсатиш орқали олинган маблағлар,

- УИК фондида сақланаётган ўлкашунослик ҳужжатлари ва маҳаллий нашрларни сотиш ва қайта нашр этишдан олинган маблағлар бўлиши мумкин.

2. Ўлкашунослик фаолиятини ташкил қилиш

2.1. УИК нинг бошқа кутубхоналар билан ҳамкорликда ўлкашунослик фаолиятини ташкил этиши.

2.1.1. УИК ўз вилоятидаги кутубхоналарнинг кутубхона ўлкашунослиги соҳасида ҳамкорлигини ташкил этади ва методик таъминлайди.

УИК нинг ЎзР Маданият ишлари вазирлиги тизимидаги кутубхоналар билан ҳамкорлиги УИК нинг методик марказ сифатидаги мавқеи билан белгиланади ва тегишли ҳужжатларда акс эттирилади.

Ҳар қандай кутубхонанинг вилоятдаги бошқа идоралар кутубхоналари билан ҳамкорлиги ўзаро манфаат ва ихтиёрийлик асосида белгиланади.

УИК нинг бошқа идоралар кутубхоналари билан кутубхона ўлкашунослиги соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик муносабатлари мувофиқлаштириш тўғрисидаги Низомда ёки кутубхоналар ўртасидаги шартномада мустаҳкамланади.

2.1.2. УИК вилоят кутубхоналарининг кутубхона ўлкашунослик фаолиятининг қуйида-
ги асосий йўналишлари бўйича ҳамкорлигини
ташкил қилади:

- вилоятда ўлкашунослик кутубхоначилик фаолиятини йиғма истиқболли режалаштириш,

- ўлкашунослик ҳужжатлари ва маҳаллий нашрларнинг йиғма депозитар фондиди ташкил этиш,

- йиғма ўлкашунослик каталоги ва маҳаллий нашрлар каталогини яратиш,

- вилоят кутубхоналарининг ўлкашунослик справка-библиографик аппарати таркиби ва хусусиятлари тўғрисида маълумотлар базасини яратиш,

- ўз вилояти тўғрисида ўлкашунослик библиографик қўлланмалари тизимини яратиш; янги ўлкашунослик библиографик қўлланмаларини тайёрлаш ва олдин нашр қилинганларни қайта нашр қилиш бўйича ҳамкорликдаги амалий фаолият,

- китобхонларга ўлкашунослик масалалари бўйича библиографик хизмат кўрсатишни мувофиқлаштириш; ўлкашунослик характеридаги мураккаб библиографик қидиришларни бажаришда ҳамкорлик,

- йирик ўлкашунослик оммавий тадбирларини ўтказиш,

- кутубхоналар ўлкашунослик фаолиятининг ташкилий ва услубий масалаларини ишлаб чиқиш, илмий тадқиқотлар ўтказиш.

2.1.3. УИК нинг вилоятдаги бошқа кутубхоналар, шунингдек давлат ва жамоат ташкилотлари билан биргаликдаги ўлкашунослик фаолияти ҳайрихоҳлик тамойили асосида маблағ

билан таъминланади. Маблағ улушлари миқдори ва шартлари ҳар бир алоҳида ҳолатда манфаатдор томонларнинг келишуви асосида белгиланади ва шартнома билан мустаҳкамланади.

2.2. УИК да ўлкашунослик фаолиятини ташкил этиш

2.2.1 Ўлкашунослик иши УИК нинг деярли ҳамма бўлимларини қамраб олади ва кутубхона директори ёки унинг муовинларидан бирининг раҳбарлигида амалга оширилади.

2.1.2. УИК ларда ўлкашунослик фаолияти турли йўллар билан ташкил этилиши мумкин:

- ахборот-библиография бўлими таркибида ўлкашунослик библиографияси секторини ажратиш (энг кенг тарқалган йўли),

- катта ҳажмдаги бой ўлкашунослик ҳужжатлари ва маҳаллий нашрлар фонди, шунингдек бой ўлкашунослик фаолияти анъаналарига эга кутубхоналарда ўлкашунослик бўлими ажратилган ҳолда ташкил этилади.

Ҳар икки ҳолда ўлкашунослик фаолиятини мувофиқлаштириш, режалаштириш, методик таъминланиши ва ўлкашунослик фаолиятининг ҳар бир йўналишини назорат қилиш шу ихтисослашган бўлинмалар томонидан амалга оширилади.

3. Ўлкашунослик ҳужжатлари ва маҳаллий нашрлар фондиди шакллантириш ва ташкил қилиш

3.1. УИК ўлкашунослик фаолиятининг асосини ташкил этувчи ўлкашунослик ҳужжат-

лари ва маҳаллий нашрлар фонди бу кутубхоналарда фаол фойдаланиш ва доимий сақланишга мўлжаллаб мукамал тўлиқлик тамойили бўйича ташкил қилинади.

3.2. Ўлкашунослик ҳужжатлари фонди мазмунан ўлкага бағишланган ҳар қандай босма матбуот асарлари ва нашр қилинмаган ҳужжатлардан ташкил топади.

«Ўлкашунослик ҳужжатлари» нашр хили ва тури (тайёрланиши) дан, нусхаси, тили, нашр ёки тайёрланиш жойидан қатъий назар ушбу ўлкага мазмунан тўлиқ ёки қисман бағишланган, у ҳақидаги маълумотларни акс эттирган ҳамма нашрлар, нашр қилинмаган (қўлёзмалар, машинкада босилган, график), аудиовизуал материаллар, машинада ўқиладиган ахборот ташувчилар (магнит тасмалари, компакт дисклар ва Ҳ.К.лар) ни бирлаштиради.

3.2.1. УИК маҳаллий нашрлар фондиди ташкил этади ва юритиб боради.

«Маҳаллий нашрлар» мазмуни, мақсади ва нашр воситаси, тилидан қатъий назар шу ўлкада босилган ҳамма нашрлар, шу жумладан кам нусхали, идоралар ичи, тор ихтисосликдаги, ёппасига ишлов берилган материалларни бирлаштиради*.

Маҳаллий нашрлар фонди ўлкашунослик ҳужжатлари фондидан алоҳида, шу билан бир вақтда у фонднинг бир таркибий бўлаги сифатида ташкил этилади.

3.2.2. Ўлкашунослик ҳужжатлари ва маҳаллий нашрлар фонди кутубхонанинг умумий фондидан алоҳида ажратилган ҳолда ташкил

* Ўлкадан ташқарида тайёрланиб, шу ўлкада босиб чиқарилган нашрлар маҳаллий нашрларга киритилмайди.

этилади ва у ўлкашунослик бўлими (ёки сектори) хонасида жойлаштирилади.

3.2.3. Бошқа типдаги кутубхоналар ҳам ўз мавқеи ва имконияти ҳамда китобхонларининг эҳтиёжлари доирасида кутубхона жойлашган ўлка (туман, шаҳар, қишлоқ) га бағишланган матбуот асарлари фондини юқоридаги тамойил асосида ташкил этадилар.

3.3. УИК библиографик қўлланмалар (давлат, нашриёт, китоб савдоси, универсал ва тармоқ илмий-ёрдамчи ва ҳ.к. қўлланмалари) дан, бошқа кутубхоналарнинг справка-библиографик аппаратидан, бошқа муассасалар ва алоҳида шахслар китоб тўпламларининг каталогларидан фойдаланиб, ўлкага оид китобларни ўрганиб, ўлкашунослик ҳужжатлари ва маҳаллий нашрларни аниқлаш бўйича мунтазам иш олиб боради.

3.4. УИК ўлкашунослик ҳужжатлари ва маҳаллий нашрлар фондини кундалик ва репреспектив тўлдиришда қуйидаги манбалардан фойдаланади:

- ватан нашрларининг пуллик мажбурий нусخаси,
- маҳаллий нашрларнинг бепул мажбурий нусхаси,
- босма маҳсулот чиқарувчи маҳаллий ташкилотлар ва муассасалар билан шартнома тузиш,
- обуна бўлиш,
- совға,
- китоб айирбошлаш,
- вилоят кутубхона коллектори, китоб дўконлардан, ким ошди савдоси бўйича, алоҳида шахслардан сотиб олиш,

• фондда бўлмаган ёки кам нусхали нашрларни нусха кўпайтириш аппарати воситаси билан чиқариш йўллари.

3.5. УИК ўлкашунослик ҳужжатлари ва маҳаллий нашрларнинг вилоят йиғма депозитар фондиди ташкил этади, бу фондга бошқа кутубхоналар фондидаги шундай ҳужжатлар ҳам киритилади.

3.6. Ўлкашунослик ҳужжатлари ва маҳаллий нашрларни сақланиши ва оқилона фойдаланишини таъминлаш мақсадида бу материалларни кутубхонанинг асосий фондидан ажратиб олиб, алоҳида мустақил кичик фондиди ташкил этади.

3.7. Ўлкашунослик ҳужжатлари ва маҳаллий нашрлар фақат тўзиган ва таъмирлаш имконияти бўлмаган ҳолдагина кутубхона фондидан чиқарилади.

4. Ўлкашунослик ҳужжатлари ва маҳаллий нашрлар билан хизмат кўрсатиш

4.1. Кутубхонанинг умумий фонди ва унинг бўлинмалари фондидан ўлкашунослик ҳужжатлари ва маҳаллий нашрларни бериш ушбу кутубхонада амал қилаётган кутубхонадан фойдаланишнинг умумий қоидаларига мувофиқ амалга оширилади. Кутубхонанинг ҳужжатлардан фойдаланиш ҳуқуқлари (уларнинг мазмуни билан боғлиқ ҳолда ҳам) чекланмайди.

4.2. Кутубхонада ягона нусхада бўлган ўлкашунослик ҳужжатлари ва маҳаллий нашрлар фақат ўлкашунослик бўлимининг ёки ахборот-библиография бўлими қошидаги ўлкашунослик секторининг ёинки нодир китоблар секторининг қироатхонасида фойдаланиш учун берилади.

4.3. УИК фондидаги ўлкашунослик ҳужжатлари ва маҳаллий нашрлар амалдаги қоидаларга кўра КАА орқали бошқа кутубхоналарга берилади. Ягона нусхадаги ўлкашунослик ҳужжатлари ва маҳаллий нашрлар КАА орқали берилмайди: уларнинг ўрнига имконият мавжуд ҳолда ундай ҳужжатларнинг нусхаси тайёрлаб юборилади.

4.4. Ўлкашунослик материаллари фондини тўлдириш ва тақсимлаш, ўлкашунослик мавзусидаги библиографик қўлланмаларни тайёрлаш ишларини асосли режалаштириш, ўлкашунослик ҳужжатлари ва маҳаллий нашрларни тарғиб қилиш бўйича ишларни оқилона ташкил қилиш мақсадида кутубхонанинг китобхонларга хизмат кўрсатувчи барча бўлинмаларида бу материалларга талаблар ва уларнинг берилишини махсус ҳисобга олиб боришни ташкил этиш мумкин.

5. Кутубхоналарнинг ўлкашунослик библиография хизмати

5.1. Ҳар қандай кутубхонанинг ўлкашунослик библиографик фаолияти:

- ўлкашунослик справка-библиографик аппарати (СБА)ни ташкил этиш ва юритиб бориш,
- ўлкашунослик библиографик қўлланмалар тизимини ташкил қилиш,
- ўлкашунослик библиографик хизмат кўрсатиш,
- ўлкашунослик бўйича электрон маълумотлар базасини яратишни ў з и ч и г а о л а д и.

Ўлкашунослик библиографик фаолият кутубхоналарнинг библиографик фаолияти доирасида, умумий режа ва дастурларга мувофиқ олиб борилади.

5.2. Ўлкашунослик справка-библиографик аппарати (СБА) ни ташкил қилиш ва юритиш

5.2.1. Ўлкашунослик СБА кутубхона СБА нинг ихтисослашган қисми сифатида ўлкашунослик ҳужжатлари ва маҳаллий нашрларнинг мазмунини ва таркибини турли (муаллифи, шахслар, предметли, мавзули, топографик, хронологик, тилли) томонлама тўлиқ ёритиш мақсадида ташкил қилинади.

5.2.2. УИК ўлкашунослик СБА:

- вилоят, унинг алоҳида жойлари ва аҳоли яшаш жойлари ҳақидаги материалларни,

- ўлканинг машҳур шахслари ҳақидаги материалларни,

- маҳаллий нашрларни,

- маҳаллий муаллифларнинг нашр қилинган ёки кутубхонага сақлаш учун берилган илмий, бадий ва бошқа асарларини,

- ўлка ҳақидаги справка нашрлари ва библиографик ахборот манбалари (шу жумладан, вилоятдаги бошқа кутубхоналарнинг каталог ва картотекалари)ни а к с э т т и р а д и.

5.2.3. Ўлкашунослик СБА:

- каталог ва картотекалар тизими,

- справка ва библиографик нашрлар фондидан т а р к и б т о п а д и.

5.2.4. Ўлкашунослик СБА қуйидаги ишларда:

- ўлкашунослик кутубхона ва библиографик хизмат кўрсатишда,

- ўлкашунослик библиографик қўлланмалари тизимини яратишда,

- ўлкашунослик ҳужжатлари фонди ва маҳаллий нашрлар коллекциясини қайта тўлдиришда,

- ўлкашунослик ҳужжатлари фонди депозитарийси ва маҳаллий нашрлар коллекцияси билан жорий ишлашда,

- кутубхонанинг ўлкашунослик соҳасидаги илмий методик ва илмий тадқиқот фаолиятида а с о с б ў л и б х и з м а т қ и л а д и.

5.2.5. Ўлкашунослик СБА УИК ўлкашунослик фаолияти вазифалари ва ўлкашунослик ҳужжатларининг ўзига хос хусусиятидан келиб чиққан ҳолда алоҳида услубда ташкил қилинади ва юритиб борилади.

Ўлкашунослик СБА кутубхонанинг универсал СБА билан турли йўналтиришлар ёрдамида боғланади.

5.2.6. Ўлкашунослик СБА нафақат УИК китобхонларининг, балки ўлкадаги ва мамлакатдаги бошқа кутубхоналар китобхонларининг ҳам ўлкашунослик ахборотига бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида ташкил қилинади.

5.2.7. Ўлкашунослик ҳужжатлари ва маҳаллий нашрларни СБА да ўта тўлиқликда акс эттириш ва уни мазмунан ёритиб бериш мақсадида унга:

- сақланиш жойидан қатъий назар ҳамма ўлкашунослик ҳужжатлари ва маҳаллий нашрлар киритилади,

- ҳажми ва қийматидан қатъий назар барча аниқланган, ўлкашунослик депозитар фонди

таркибига кирмаган ўлка ҳақидаги ахборот манбалари акс эттирилади,

- ўлкашунослик ҳужжатлари ва маҳаллий нашрларни акс эттиришда хронологик чегара белгиланмайди,

- таҳрир қилишда ўлкашунослик манбалари тўғрисидаги маълумот мазмунан эскирганлиги сабабли чиқарилмайди ва янги нашр билан алмаштирилмайди,

- материалларни чуқур библиографик ёритишнинг ҳамма услублари (матн қисмини аналитик тасвирлаш, кенг аннотациялар, материалларни аниқ жойлаштириш, мукамал ёрдамчи кўрсаткич) кенг қўлланилади.

5.2.8. УИК ўлкашунослик СБА нинг тўлиқлигини таъминлаш мақсадида:

- мунтазам равишда ва режа асосида вилоятнинг бошқа кутубхоналари фондидаги ўлкашунослик ҳужжатлари ва маҳаллий нашрлар тўғрисида маълумотларни йиғади, уларни ўз йиғма каталогларида акс эттиради,

- вилоят жойлашган минтақадаги (шунингдек, мамлакатдаги) кутубхоналарда сақланаётган ўлкашунослик ҳужжатлари ва маҳаллий нашрларни аниқлайди; улар ҳақидаги маълумотни ўлкашунослик СБА ва библиографик нашрларга киритади, бу билан шу нашрларнинг библиографик репертуари тўлиқлигини таъминлайди,

- вилоят ҳақидаги барча ҳужжатларнинг (сақланиш жойидан қатъий назар) электрон маълумотлар базасини яратади,

- ўлкадаги кутубхоналарнинг ўлкашунослик каталоглари ва картотекалари ҳақидаги

маълумотни йиғади ва ўз ўлкашунослик СБА да акс эттиради.

5.2.9. Ҳар бир УИК ўлкашунослик каталоглари ва картотекаларининг таркиби асосан қуйидаги асосий бўғинларни ўз ичига олади:

- ўлкашунослик йиғма алифбо каталоги*,
- йиғма ўлкашунослик системали каталоги (картотекаси),
- маҳаллий нашрларнинг йиғма хронологик каталоги.

5.2.10. Йиғма ўлкашунослик системали каталоги (картотекаси)да материаллар ўлкашунослик каталоги учун Кутубхона-библиография классификацияси жадвалининг махсус ишланган варианты бўйича системалаштирилади.

5.2.11. Справка ва библиографик нашрлар фонди кундалик ўлкашунослик ишида зарур бўлган ўлка ҳақидаги справка ва библиографик нашрларни ўз ичига олади. Улар: бош манбалар ва раҳбар материаллар; энциклопедиялар, энциклопедик луғатлар ва маълумотномалар; йўл кўрсаткичлар; календарлар, адресли ва хотира китоблари, луғатлар, жуғрофий ҳарита ва атласлар; маъмурий-ҳудудий бўлиниш тўғрисида маълумотномалар; ўлка ҳақида маълумот берувчи ста-тистик тўпламлар ва бошқа маълумотнома нашрлар; ўлкашунослик ҳужжатлари ва маҳаллий нашрларнинг босма ва қўлёзма ҳолидаги библиографик кўрсаткичлари.

Бу фонд ўлкашунослик бўлими ёки секторида жойлаштирилади.

5.2.12. Бажарилган ўлкашунослик справкалари фонди ўлкашунослик ҳужжатлари ва маҳаллий нашрлар фондининг таркибий қисми

* бу каталог кутубхонанинг имкониятига кўра тузилади.

бўлиб, у УИК ва ўлкадаги бошқа кутубхоналарда мураккаб ва кўп меҳнатли қидиришни талаб қиладиган бажарилган ёзма справкаларнинг нусхасини ўз ичига олади*.

5.3. Ўлкашунослик қўлланмалари ва маҳаллий нашрлар кўрсаткичлари тизимининг шаклланиши

5.3.1. УИК вилоятдаги бошқа кутубхоналар билан ҳамкорликда ўлка ҳаётининг ҳамма томонларини қамраб олган ва ўлкашунослик ахборотига бўлган ҳар қандай талаб-эҳтиёжларни қондира оладиган ўлкашунослик қўлланмалари тизимини яратади.

5.3.2. Бу тизим икки асосий гуруҳ: 1) ўлка ҳақидаги адабиётлар кўрсаткичлари, 2) маҳаллий нашрлар кўрсаткичларини ўз ичига олади, яъни бу тизим қуйидаги кичик тизимни бирлаштиради:

I. Ўлкашунослик илмий-ёрдәмчи қўлланмалари кичик тизими. У қуйидаги турлардан таркиб топади:

- ўлкашунослик ҳужжатларининг универсал кундалик кўрсаткичлари,

- универсал характердаги ретроспектив кўрсаткичлар; ўлкашунослик китобларининг йиғма босма каталоглари,

- тармоқ ва мавзули ретроспектив кўрсаткичлар,

- биобиблиографик кўрсаткичлар,

- ўлкашунослик библиографик қўлланмалари кўрстакичлари.

* Бажарилган ўлкашунослик справкаларининг нусхалари карточкали шаклда - бажарилган справкаларнинг умумий картотекасида (махсус белги билан) ёки алоҳида сақланиши мумкин.

II. Ўлкашунослик тавсия қўлланмалари кичик тизими. У қуйидаги турлардан таркиб топади:

- ўлка ҳақидаги адабиётларнинг универсал характердаги кўрсаткичлари («ўлка, вилоят, шаҳар, туман ҳақида нималарни ўқиш керак» типидagi); вилоят кутубхоналари фондини тўлдиришга ёрдам тариқасидаги перспектив кўрсаткичлар,

- ўлканинг муҳим ва унутилмас саналари календарлари,

- ўлка ҳаётининг турли томонларига бағишланган мавзули кўрсаткичлар,

- биобиблиографик қўлланмалар.

- комплекс кўрсаткичлар

Маҳаллий нашрлар кўрсаткичлари таркибига қуйидагилар киради:

1. Илмий ёрдамчи:

- китоблар ва бошқа нодаврий нашрлар кўрсаткичлари,

- вақтли ва давомли нашрлар кўрсаткичлари,

- вақтли ва давомли нашрлар (газеталар, журналлар, маҳаллий илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртларининг асарлари ва Ҳ.К.)нинг мундарижалари кўрсаткичи.

2. Тавсия:

Маҳаллий «Нашриётнинг энг яхши китоблари» хилидаги кўрсаткич.

5.3.3. Ўлкашунослик қўлланмаларининг машинада ўқиладиган шакллари яратади.

5.3.4. УИК юқоридаги кўрсаткичларни мустақил ҳамда бошқа кутубхоналар билан биргаликда тузади.

Методик марказ сифатида УИК:

- ўлкашунослик библиографик қўлланмаларни тайёрлаш бўйича узоқ муддатли (истикболли) дастурни ишлаб чиқади,
- аниқ бир кўрсаткични тузиш бўйича методик йўриқнома материалларини ишлайди,
- бошқа кутубхоналарга ўлкашунослик қўлланмаларини тузишда методик ёрдам кўрса-тади,
- ўлкашунослик библиографик қўлланмалари рекламасини ва уларнинг фойдаланилиши самарадорлигини ўрганишни ташкил қилади.

5.4. Библиографик хизмат кўрсатиш

5.4.1. Справка-библиография хизмати.

5.4.1.1. Ўлкашунослик сўроқлари* бўйича справка-библиография хизмати кўрсатиш ушбу кутубхонада олиб бориладиган справка-библиография хизмати кўрсатиш тартибига мувофиқ ҳолда олиб борилади.

5.4.1.2. Ўлкашунослик справка-библиография хизмати учун кутубхонанинг СБА ва биринчи навбатда - унинг ўлкашунослик қисми (ўлкашунослик СБА) асос бўлиб хизмат қилади, зарур ҳолларда бошқа кутубхоналар ёрдамидан фойдаланилади.

5.4.1.3. УИК ўлкашунослик справка-библиография хизматининг марказидир. Ўлкадаги кутубхоналарда қониқарли жавоб олинмаган барча ўлкашунослик сўроқлари УИК га юборилади.

5.4.1.4. Кутубхонанинг барча ходимлари ўлкашунослик справка-библиография хизматида қатнашадилар, ҳар бир ўлкашунослик сўроғи ва

* «Ўлкашунослик сўроқлари» деганда ўлка тўғрисидаги ахборотга бўлган эҳтиёж акс этган сўроқлар тушунилади.

унга жавоб мажбурий тартибда ҳисобга олиб борилади.

5.4.2. Библиографик ахборот билан таъминлаш

5.4.2.1. УИК алоҳида китобхонлар ва жамоаларнинг узоқ муддатли ўлкашунослик библиографик сўроқларига мувофиқ кутубхона фондига янги олинган ўлкашунослик ҳужжатлари ва маҳаллий нашрлар тўғрисида ўлкашунослик ахбороти билан мунтазам таъминлаб боради.

5.4.2.2. Ўлкашунослик библиографик ахборот билан таъминлаш умуман библиографик ахборот билан таъминлашга хос шаклларда амалга оширилади. Улар:

- янги адабиётларнинг библиографик рўй-ҳатини тайёрлаш,

- янги адабиётларнинг кўргазмасини ташкил қилиш,

- янги адабиётларнинг библиографик обзорини тайёрлаш,

- янги олинган алоҳида ўлкашунослик ҳужжатлари ва маҳаллий нашрлар тўғрисида хабарни юбориш ёки эшиттириш.

5.4.2.3. Ўлкашунослик кундалик ахбороти-ни олувчи асосий абонентлар:

- маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ходимлари,

- вилоят музейлари ва архиви ходимлари,

- ўз соҳаларида ўлкашунослик билан шуғулланувчи илмий-тадқиқот институтларининг ходимлари,

- маҳаллий ўлкашунослик жамоат ташкилотларининг ходимлари ва фаол аъзолари,

- алоҳида ўлкашунос-тадқиқотчилар.

5.4.2.4. Ўлкашунослик библиографик ахборот билан таъминлаш шартнома асосида олиб борилиши мумкин.

6. УИК нинг кутубхона ўлкашунослиги соҳасидаги илмий-методик ва илмий-тадқиқот фаолияти

6.1. Илмий-методик фаолият

6.1.1. Мамлакатда кутубхоналарнинг ўлкашунослик фаолияти бўйича бош методик марказ Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасидир.

Кутубхоналар ўлкашунослик фаолиятининг давлат миқёсидаги методик маркази сифатида бу кутубхона:

- барча типдаги кутубхоналарнинг ўлкашунослик фаолиятини ташкил этади ва бошқариб боради,

- ўлкашунослик фаолиятини ташкил этишда кутубхоналарни раҳбар, методик, меъёрий ҳужжатлар билан таъминлайди. Бунда ўлкашунослик фаолияти тўғрисида Низомни, ўлкашунослик фондини ва ўлкашунослик каталогларини ташкил этиш учун махсус классификация жадвалини, ўлкашунослик СБА ва ўлкашунослик библиографик қўлланмалари тизимининг моделини, ишни ташкил этиш бўйича бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқади ва таркатади,

- республикадаги барча кутубхоналарнинг ўлкашунослик фаолиятини мувофиқлаштиради ва кооперациясини ташкил этади,

- кутубхоналарнинг ўлкашунослик фаолиятига амалий методик ёрдам уюштиради,

- республика кутубхоналарида ўлкашунос-лик фаолиятини олиб боровчи мутахассис ходимларнинг малакасини ошириш ишини ташкил этади,

- кутубхоналарнинг ўлкашунослик йўнали-шидаги илғор иш тажрибаларини ўрганади, умумлаштиради ва оммалаштиради, илғор таж-риба мактабларини ташкил этади,

- ўлкашунослик фаолияти бўйича кен-гашлар, семинарлар, конференциялар ташкил этади.

6.1.2. Илмий-тадқиқот фаолияти.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси илмий-методик марказ сифатида вилоят УИКлари билан ҳамкорликда китобхонларнинг ўлкашунослик ҳужжатларига эҳтиёжларини ўрганади, ўлкашунослик библио-графиясининг назарий масалаларини илмий ишлаб чиқади, ўлкашунослик фондини тўлдириш ва сақланиши масалалари бўйича изланишлар олиб боради.

6.2. УИКларнинг илмий методик ва илмий-тадқиқот фаолияти.

6.2.1. Ўлкада кутубхона ўлкашунослиги-нинг маркази бўлган УИК давлат оммавий кутубхоналари (марказлашган кутубхоналар тизими) ўлкашунослик фаолиятининг ҳолати учун жавоб беради.

6.2.2. Ўлкадаги бошқа (давлат кутубхона-ларидан ташқари) идоралар кутубхона тармоқла-рига кутубхона ўлкашунослиги соҳасида методик ёрдам кўрсатиш шакл ва усуллари маҳаллий «Вилоятда кутубхоналарнинг ўлкашунослик фаолияти тўғрисида Низом»да ёки алоҳида кутубхона билан УИК нинг шартномасида белгилаб қўйилади.

Кутубхона ўлкашунослигининг алоҳида масалалари бўйича музейлар, архивлар, илмий-тадқиқот институтлари жамоаларига ва жамоатчи ўлкашунослик ташкилотларига ҳам илмий-методик ёрдам кўрсатади.

6.2.3. УИК кутубхона ўлкашунослиги соҳасидаги илмий-методик ишларни режали асосда олиб боради. Маҳаллий ҳокимият органларининг режадан ташқари топшириқлари шартнома асосида бажарилади.

6.2.4. УИК нинг кутубхона ўлкашунослиги доирасидаги илмий-тадқиқот фаолияти бу кутубхона илмий-тадқиқот ишларининг етакчи йўналишидир. У илмий-методик иш билан узвий боғлиқ ва кутубхоналарнинг ўлкашунослик фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган.

6.2.5. Ноёб ўлкашунослик фондига, ихтисослашган ўлкашунослик СБАга ва малакали мутахассисларга эга бўлган УИК соф ўлкашунослик тадқиқотларида иштирок этади ёки мустақил ташкил этади.

6.2.6. УИК ўлкашунослик илмий-тадқиқот фаолиятини мустақил ҳамда мамлакатнинг бошқа минтақаларидаги кутубхоналар билан биргаликда олиб боради. УИК нинг ҳар қандай доирада ва муддатли тадқиқотларда иштироки шартнома асосида амалга оширилади.

**Ўлкашунослик картотекасини тузиш учун
классификация жадвали**

**Таблица классификации для составления
краеведческой картотеки**

А с о с и й б ў л и м л а р	О с н о в н ы е д е л е н и я
ЎО Ўлка. Умумий масалалар	УО Край в целом
Ў1 Давлат раҳбарлари, давлатимиз ўлка тўғрисида	У1 Государство, руководители государства о крае
Ў2 Ўлка табиати ва табиий бойликлари	У2 Природа и природные ресурсы края
Ў3 Ўлкада техника	У3 Техника края
Ў4 Ўлканинг қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	У4 Сельское и лесное хозяйство края
Ў5 Ўлкада соғлиқни сақлаш ишлари	У5 Здравоохранение в крае
Ў6 Ўлканинг ижтимоий- иқтисодий ва ижтимоий сиёсий ҳаёти	У6 Социально-экономи- ческая и общественно- политическая жизнь края
Ў7 Ўлкада фан, маориф ва маданият	У7 Наука, просвещение и культура в крае
Ў81/85 Ўлканинг адабий ҳаёти. Ўлка бадиий адабиётда	У 81/85 Литературная жизнь края. Край в художественной литературе
Ў86 Ўлкада дин	У 86 Религия в крае
Ў87 Ўлкада маънавий- ахлоқий ва эстетик тарбия	У 87 Нравственное и эстетическое воспитание в крае
Ў9 Ўлка тарихи	У9 История края
Ў9.9 Ўлка ҳақидаги библиографик қўлланмалар	У9.9 Библиографические пособия о крае

<u>ЎО Ўлка. Умумий масалалар</u> <u>Ў1 Давлат раҳбарлари.</u> <u>давлатимиз ўлка тўғрисида</u>	<u>УО Край в целом</u> <u>У1 Государство.</u> <u>руководители государства</u> <u>о крае</u>
Ў11 Давлат раҳбари ўлка (маҳаллий жой) тўғрисида	У11 Руководители государства о крае (о местности)
Ў12 Давлатнинг маҳаллий жойлар (ўлка) тўғрисидаги раҳбар ҳужжатлари	У12 Руководящие документы государства о местности (крае)
Ў13 Ўлкада давлат раҳбари асарларининг тарғиб қилиниши	У13 Пропаганда произведений руководителя государства в крае
<u>Ў2 Ўлка табиати ва табиий бойликлари</u>	<u>У2 Природа и природные ресурсы края</u>
Ў20 Ўлка табиати (умумий масалалар)	У20 Природа края в целом
Ў20.1 Ўлкада атроф муҳитни муҳофаза қилиш	У20.1 Охрана окружающей среды в крае
Ў22 Ўлка ҳудудида астрономик хизмат	У22 Астрономическая служба на территории края
Ў26 Ўлканинг географик, геологик, геофизик тавсифномаси	У26 Географическая, геологическая, геофизическая характеристика края
Ў26.1 Ўлка ҳариталарини ишлаш ва нашр этиш	У26.1 Составление и издание карт края
Ў26.2 Ўлкадаги сейсмик ҳолатлар	У26.2 Сейсмические явления в крае
Ў26.22 Ўлка ҳудудидаги сувлар (денгизлар, дарёлар, кўллар, сув омборлари)	У26.22 Воды (моря, реки, озера, водохранилища) на территории края

Ў26.23 Ўлканинг иқлими, об-ҳаво шароити	У26.23 Климат, прогнозы, погода края
Ў26.3 Ўлкада геологик фойдали қазилмалар	У26.3 Геологические полезные ископаемые в крае
Ў26.31 Ўлка ҳудудидаги минераллар, уларни излаб топиш	У26.31 Минералы на территории края, их поиск и разведка
Ў26.32 Фойдали қазилмалар	У26.32 Полезные ископаемые
Ў26.32.1 Қора ва рангли металллар. Нодир металллар	У26.32.1 Черные и цветные металлы. Редкие металлы
Ў26.32.2 Нометалл фойдали қазилмалар	У26.32.2 Неметаллические полезные ископаемые
Ў26.32.3 Ёнувчи фойдали қазилмалар.	У26.32.3 Горючие полезные ископаемые.
Нефть, ёнувчи табиий газ.	Нефть, природные горючие газы.
Кўмир. Торф	Уголь. Торф
Ў26.32.6 Ўлканинг гидрогеологик тавсифномаси (Ер ости сувлари. Минерал сувлари)	У26.32.6 Гидрогеологическая характеристика края (Подземные воды. Минеральные воды)
Ў26.8 Ўлканинг географик тавсифномаси. Умумий масалалар. Экспедициялар ва саёҳатлар. Географик қашфиётлар	У26.8 Географическая характеристика края. Общие вопросы. Экспедиции и экскурсии. Географические открытия
Ў26.81 Географлар ва сайёҳлар	У26.81 Географы и путешественники
Ў26.82 Ўлканинг физик-географик ҳолати. Ландшафти. Рельефи	У26.82 Физико-географическое состояние края. Ландшафты. Рельеф
Ў28. Ўлканинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси	У28 Растительный и животный мир края

Ў28.1 Ўлканинг қазилма ўсимликлари ва ҳайвонлари Ў28.5 Ўлканинг ўсимлик дунёси (флораси) Ў28.6 Ўлканинг ҳайвонот дунёси (фаунаси) Ў28.7 Ўлка антропологияси. Экологик шароитлар ва инсоннинг унга мослашуви	У28.1 Ископаемые растения и животные края У28.5 Растительный мир (флора) края У28.6 Животный мир (фауна) края У28.7 Антропология края. Экологические условия и приспособление к ним человека
<u>Ў3 Ўлкада техника</u> Ў30 Ўлкада техниканинг қўлланилиши (умумий масалалар) Ў31 Энергетика Ў33 Тоғ ишлари Ў34 Металлургия. Машинасозлик. Асбобсозлик Ў35 Химия саноати Ў36 Озиқ-овқат ишлаб чиқариш Ў37 Ёнгил саноат. Полиграфия ишлаб чиқариши. Фотокинотехника Ў38 Ўлкада қурилиш ишлари Ў39 Транспорт Ў39.1 Темир йўл транспорти Ў39.2 Автомобил йўллари транспорти	<u>У3 Техника в крае</u> У30 Применение техники в крае (общие вопросы) У31 Энергетика У33 Горное дело У34 Металлургия. Машиностроение. Приборостроение У35 Химическая промышленность У36 Пищевое производство У37 Легкая промышленность. Полиграфическое производство. Фотокинотехника У38 Строительные работы в крае У39 Транспорт У39.1 Железнодорожный транспорт У39.2 Автодорожный транспорт

Ў39.3 Шаҳар транспорти Ў39.4 Ҳаво транспорти	У39.3 Городской транспорт У39.4 Воздушный транспорт
<u>Ў4 Ўлканинг қишлоқ ва ўрмон хўжалиги</u>	<u>У4 Сельское и лесное хозяйство края</u>
Ў40 Ўлка ҳудудида қишлоқ хўжалигини юритишнинг табiiй-илмiiй ва техник асослари (метеорологик ва иқлимiiй омиллар, тупроқ ва уни муҳофаза қилиш, қишлоқ хўжалигида химиянинг қўлланилиши, мелиорация, қишлоқ хўжалиги механизацияси ва электрификацияси. Қишлоқ хўжалиги қурилмалари)	У40 Естественнаиуниые и технические основы ведения сельского хозяйства на территории края (метеорологические и климатические факторы, почвы и их охрана, применение химии в сельском хозяйстве, мелиорация, сельскохозяйственная механизация и электрификация. Сельскохозяйственное оборудование)
Ў 41/42 Ўлка ҳудудида ўсимликшунослик Ў41.1 Уруғчилик. Селекция	У41/42 Растениеводство на территории края У41.1 Селекция, семеноводство
Ў41.2 Деҳқончилик. Агротехника	У41.2 Земледелие. Агротехника
Ў41.3 Ёввойи ўсимликлар. Уларнинг халқ хўжалигида фойдаланилиши	У41.3 Дикорастущие растения, их использование в народном хозяйстве
Ў42 Ўлкада махсус ўсимликшунослик	У42 Специальное (частное) растениеводство в крае

Ў42.1 Ўлкада далачилик (Дуккакли ўсимликлар: Буғдой. Маккажўхори. Шоли. Арпа. Сули). Доривор ўсимликлар. Тамаки ўсимликлари Ў42.2 Ем-хашак етиштириш Ў42.3 Боғдорчилик ва полизчилик (Полизчилик. Мевачилик. Узумчилик. Гулчилик) Ў42.8 Тропик ва субтропик ўсимликлар Ў43 Ўлкада ўрмон хўжалиги Ў43.1 Ўрмончилик Ў43.2 Ўрмон ўсимликлари Ў43.3 Ўрмон қурилиши. Ўрмонларни ҳимоя қилиш Ў44 Ўлка шароитида ўсимликларни ҳимоя қилиш Ў45/46 Ўлкада чорвачилик Ў45 Чорвачиликнинг умумий масалалари Ў46 Ўлкада махсус чорвачилик Ў47 Ўлкада овчилик ва балиқчилик хўжалиги Ў48 Ўлкада ветеринар тадбирлар. Ҳайвонлар касаликлари ва унга қарши чоралар	У42.1 Полеводство на территории края (Зерновые культуры: Пшеница. Кукуруза, Рис. Ячмень, Овес). Лекарственные растения. Табачные культуры У42.2 Кормопроизводство У42.3 Садоводство и овощеводство (Овощеводство. Ягодноеводство. Виноградарство. Цветоводство) У42.8 Субтропические и тропические культуры У43. Лесное хозяйство в крае У43.1 Лесоводство У43.2 Лесные культуры У43.3 Лесоустройство. Охрана лесов У 44. Защита растений в условиях края У45/46 Животноводство в крае У45 Общие вопросы животноводства У46 Специальное (частное) животноводство в крае У47 Охотничье и рыбное хозяйство в крае У48 Ветеринарные мероприятия в крае. Болезни животных и меры против них
---	---

<u>Ў 53/57 Клиник тиббиёт</u>	<u>У53/57 Клиническая медицина</u>
Ў53.1 Умумий терапия	У53.1 Общая терапия
Ў53.2 Тиббий радиология ва рентгенология	У53.2 Медицинская радиология и рентгенология
Ў54.1 Ички касалликлар	У54.1 Внутренние болезни
Ў54.2 Хирургия	У54.2 Хирургия
Ў55.1 Юқумли касалликлар	У55.1 Инфекционные болезни
Ў55.2 Онкология	У55.2 Онкология
Ў55.3 Венерология.	У55.3 Венерология.
Дерматология	Дерматология
Ў56.1 Невропатология.	У56.1 Невропатология.
Нейрохирургия.	Нейрохирургия
Психиатрия	Психиатрия
Ў56.2 Стоматология	У56.2 Стоматология
Ў56.3 Офтальмология	У56.3 Офтальмология
Ў56.4 Оториноларингология	У56.4Оториноларингология
Ў56.5 Урология	У56.5 Урология
Ў57.1 Гинекология	У57.1 Гинекология
Ў57.2 Педиатрия	У57.2 Педиатрия
<u>Ў6 Ўлканинг ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий сиёсий ҳаёти</u>	<u>У6 Социально-экономическая и общественно-политическая жизнь края</u>
Ў60 Ўлка ривожланишининг социологик таҳлили	У60 Социологический анализ развития края
Ў60.1 Ўлкада статистика	У60.1 Статистика в крае
Ў60.2 Ўлка аҳолиси	У60.2 Население края
Ў63 Ўлка археологияси ва этнографияси	У63 Археология и этнография края
Ў65 Ўлка иқтисодиёти	У65 Экономика края

Ў66 Ўлканинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти	У66 Общественно-политическая жизнь края
Ў67 Ўлкада давлат ҳокимияти ва бошқарув	У67 Государственная власть и управление в крае
Ў68 Аҳоли ўртасидаги ҳарбий-ватанпарварлик ишлари. Фуқаро ҳимояси	У68 Военно-патриотическая работа среди населения. Гражданская оборона
<u>Ў 69 Маҳаллий ташкилотлар ва муассасалар, корхоналар</u>	<u>У 69 Местные организации и предприятия</u>
Ў69.1 Давлат корхоналари, муассасалари, ташкилотлари	У69.1 Государственные организации, предприятия, учреждения
Ў69.2 Нодавлат нотижорат ташкилотлар	У69.2 Негосударственные некоммерческие организации
Ў69.2.1 Ассоциациялар	У69.2.1 Ассоциации
Ў69.2.2 Жамғармалар	У69.2.2 Фонды
Ў69.2.3 Уюшмалар	У69.2.3. Союзы
<u>Ў7 Ўлкада фан, маориф ва маданият</u>	<u>У7 Наука, просвещение и культура в крае</u>
Ў71 Ўлканинг маданий ҳаёти. Маданий қурилиш	У71 Культурная жизнь края. Культурное строительство
Ў72 Ўлканинг илмий ҳаёти	У72 Научная жизнь края
Ў73 Ўлкада илмий-ахборот фаолияти	У73 Научно-информационная деятельность в крае
Ў74 Ўлкада халқ маорифи ишлари	У74 Народное просвещение в крае

Ў75 Ўлкада жисмоний маданият ва спорт Ў76 Ўлкада оммавий ахборот воситалари ва тарғиботчилик Ў77 Ўлкада маданий-маърифий ишлар Ў78 Ўлкада кутубхоначилик-библиографик ва ахборот фаолияти Ў79 Ўлкадаги тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш. Музей иши. Архив иши	У75 Физическая культура и спорт в крае У76 Средства массовой информации и пропаганды У77 Культурно-просветительная работа в крае У78 Библиотечно-библиографическая и информационная деятельность в крае У79 Охрана памятников истории и культуры в крае. Музейное дело. Архивное дело
<u>Ў81/85 Ўлканинг адабий ҳаёти. Ўлка бадиий адабиётда</u> Ў81 Ўлкадаги халқлар тиллари Ў82 Ўлкада халқ оғзаки ижоди. Ўлка фольклор асарларида Ў83 Ўлканинг адабий ҳаёти. Ўлка бадиий адабиётда Ў84 Маҳаллий ёзувчиларнинг асарлари. Маҳаллий муаллифларнинг ўлка ақс эттирилган бадиий асарлари	<u>У81/85 Литературная жизнь края. Край в художественной литературе</u> У81 Языки народов края У82 Фольклор края. Край в произведениях фольклора У83 Литературная жизнь края. Край в художественной литературе У84 Произведения местных писателей. Произведения художественной литературы местных писателей, отражающие край

Ў85 Ўлка санъати. Ўлка санъат асарларида Ў85.8 Ўлка ёзувчилари	У85 Искусство края. Край в произведениях искусства У85.8 Писатели края
<u>Ў86 Ўлкада дин</u> Ў86.1 Ўлкада ҳурфикрлилик ва дин Ў86.2 Ўлкадаги диний муассасалар, ташкилотлар	<u>У86 Религия в крае</u> У86.1 Свободомыслие и религия в крае У86.2 Религиозные организации и учреждения в крае
<u>Ў87 Ўлкада маънавий-ахлоқий ва эстетик тарбия</u> Ў87.1 Ўлкада маънавий ахлоқий тарбия (баркамол авлод тарбияси) Ў87.2 Эстетик тарбия	<u>У87 Нравственное и эстетическое воспитание в крае</u> У87.1 Нравственноое воспитание в крае У87.2 Эстетическое воспитание
<u>Ў9 Ўлка тарихи</u> Ў9.1 Ёрдамчи тарихий фанлар (Генеалогия. Геральдика. Тарихий география. Тарихий метрология. Нумизматика. Сфрагистика - муҳрлар, муҳрлардаги ёзувлар. Эпиграфика) Ў9.2 Ўлка тарихи. Тарихий музейлар. Тарихий ёдгорликлар ва тарихий жойлар. Тарихий ёдгорликларни сақлаш. Ўлка тарихининг даврларга бўлиниши	<u>У9 История края</u> У9.1 Вспомогательные исторические дисциплины (Генеалогия. Геральдика. Историческая география. Метрология историческая. Нумизматика. Сфрагистика - печати, надписи на печатях. Эпиграфика) У9.2 История края. Исторические музеи. Исторические памятники и памятные места. Охрана исторических памятников. Деление истории края на периоды

Ў9.21 Октябрь тўнтаришига қадар бўлган давр	У9.21 Период дооктябрьского переворота
Ў9.22 Иккинчи жаҳон урушигача бўлган давр ўлка тарихи (1917-1941)	У9.22 История края до Второй мировой войны (1917-1941)
Ў9.23 Ўлка Иккинчи жаҳон уруши даврида (1941-1945 йиллар)	У9.23 Край в период Второй мировой войны (1941-1945 гг.)
Ў9.24 Урушдан кейинги тиклаш даврида ўлка (1945-1961 йиллар)	У9.24 Край в период послевоенного восстановления (1945-1961 гг.)
Ў9.25 Ўлканинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигигача бўлган даврдаги тарихи (1961-1991)	У9.25 История края в период до независимости Республики Узбекистан (1961-1991)
Ў9.3 Ўлка Ўзбекистон мустақиллиги даврида (1991 йилдан кейинги давр)	У9.3 Край в период независимости Узбекистана (после 1991 года)
Ў9 (08) Ўлканинг машҳур кишилари	У9 (08) Выдающиеся деятели края
<u>Ў9.9 Ўлка ҳақидаги библиографик қўлланмалар</u>	<u>У9.9. Библиографические пособия о крае</u>
Ў9.91 Барча универсал библиографик қўлланмалар	У9.91 Все универсальные библиографические пособия
Ў9.91.1 Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган библиографик қўлланмалар (Давлат, Миллий, маҳаллий нашрларни ёритувчи қўлланмалар.	У9.91.1 Библиографические пособия по общественному назначению

Тавсия кўрсаткичлари)	(Государственные, национальные, библиографические пособия, отражающие местную печать. Рекомендательные указатели)
Ў9.91.2 Тармоқ библиографик қўлланмалари	У9.91.2 Отраслевые библиографические пособия

Босишга рухсат этилди 20.12.2003 йил
Бичими 2,5 наshr. т. 200 нусха.
Буюртма № 183

Тошкент, Х.Сулаймонова кўчаси, 33 уй.
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий
кутубхонасининг босмахонасида чоп этилди

